



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th July 2025

ТУРПНИНГ МУРОД НАВИНИ САҚЛАШ

Камилов Муроджон Мукумжонович

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг
Андижон илмий-тажриба стансияси директор ўринбосари

Хакимов Рафикжон Абдунабиевич

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти
лаборатория мудири, қ.х.ф.н.

Аннотация

Турпнинг янги Мурод навини илдизмевасини сақлашга яроқлилиги назорат Андижон 9 ва Олтинқўл маҳаллийси навлари билан аниқланди. Барча наъмуналардаги вазн январ ойининг иккинчи ўн кунлигигача ўзгармади. Январ ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб назорат Андижон 9 ва Олтинқўл маҳаллийси навларида умумий вазндан камайганлиги кузатилди. Феврал ойининг иккинчи ярмидан бошлаб 1 мартга қадар назорат 1 Андижон 9 навида 10,5% ва назорат 2 Олтинқўл маҳаллийси навида 12,0% умумий вазн камайганлиги кузатилди. Мурод навида эса бу кўрсаткич 3,5% ташкил қилди.

Калит сўзлар. Турп, нав, вазн, сақлаш, табиий камайиш.

Аннотация

Пригодность нового сорта редьки Мурод к хранению определялась с использованием контрольных сортов Андижан 9 и Алтынкул. Вес корнеплодов во всех образцах не менялся до второй декады января. С третьей декады января отмечено снижение общей массы у контрольных сортов Андижан 9 и Алтынкул местного. Со второй половины февраля по 1 марта наблюдалось снижение общей массы на 10,5% у контрольного сорта 1 Андижан 9 и на 12,0% у контрольного сорта 2 Алтынкул местный. У нового сорта Мурод этот показатель составил 3,5%.

Ключевые слова. Редька, сорт, хранение, вес, естественный убыль.



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th July 2025

Кириш

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва аҳолини сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини йил давомида бир меъёрда қондириб бориш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлари натижасида турп экин майдонлари кенгайиб, ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошириб борилмоқда. [1].

Сабзавот маҳсулотларининг қиймати ва инсон овқатланишидаги бебаҳо аҳамияти уларнинг таркибида одам танасининг нормал ривожланиши ва ҳаракат қилиши учун зарур бўлган витаминлар, ферментлар, оқсил моддалар, ёғлар, углеводлар ва минерал тузлар кўп миқдорда борлигидадир. Сабзавотлар озиқ-овқат сифатида организмнинг энергияга талабларини қондира олмайди. Лекин кишиларнинг ҳаётида сабзавотларнинг аҳамияти жуда каттадир. [2].

Катта ёшдаги инсоннинг витамин, углевод, оқсил, кислоталар, тузларга бўлган талабини қондириш учун ҳар кеча-кундузда 70 г (37%) чорва маҳсулотларидан ва 1200 г (63%) дан кўпроқ ўсимлик, шу жумладан 500 г сабзавот маҳсулотларидан истеъмол қилиши зарур. Тиббий меъёрларга асосан ҳар бир киши йил давомида энг камида 113 кг сабзавот маҳсулотлари истеъмол қилиши керак.

Илдизмевалилар таркибида кўп миқдорда углеводлар, яхши ўзлаштириладиган азотли моддалар, витаминлар, ферментлар, хушбўй моддалар ҳамда минерал тузлардан кальций, фосфор ва бошқалар бўлгани учун нихоятда қимматли озиқ-овқат ҳисобланади. Турп, шолғом ҳамда редиска углеводлар, витаминлардан ташқари сифатли ўсимлик мойи, физиологик ишқорий тузлар сақлаб овқат хазм қилиш фаолиятини яхшилайти ва организмда зарарли тузлар тўпланишига йўл қўймайди. Бундан ташқари минерал моддаларга ва фитонцидларга бой. Турп шарбати билан асал аралашмаси йўталга қарши восита, ревматик оғриқларни қолдиришда яхши ёрдам беради. Умуман, кўпчилик илдизмевали сабзавотларнинг даволаш аҳамияти қадимдан маълум.

Турп илдизмевасининг бир килограмми энергетик қуввати – калорияси 1507 кЖ, таркибида 88,6% сув, 1,9% оқсил, 0,2% мой, 1,5% шакар, 1,5% клетчатка,



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfséries.com

20th July 2025

1,0% кул моддаси мавжуд. Шунингдек 0,03 мг % каротин, 25 мг % витамин С бор.

Сабзаотчилик соҳасининг олдида турган муҳим вазифалардан бири-бу илдизимевали сабзаотлар шу жумладан турп маҳсулотини истеъмол даврини узайтириш мақсадида замонавий совутгич омборларида сақлаш орқали аҳолини турп маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳисобланади. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб СПЭ ва КИТИ Андижон илмий-тажриба станциясининг сунъий совутгич омборида турпнинг янги Мурод навини сақлаш бўйича тажрибалар олиб борилди. [3].

Тадқиқотлар “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси” (2011) услублари асосида олиб борилди.

Тадқиқот объекти бўлиб турпнинг маҳаллий Андижон 9, Олтинкўл маҳаллийси ва Мурод навлари хизмат қилди.

Тажриба натижалари

Турпнинг янги Мурод навини илдизимевасини сақлашга яроқлилигини аниқлаш учун назорат 1 Андижон 9 ва назорат 2 Олтинкўл маҳаллийси навлари билан СПЭ ва КИТИ Андижон илмий-тажриба станциясининг сунъий совутгич омборига 4 та қайтариқда қўйилди.

Хар бир вариантда декабр ойининг биринчи санасида 20 кг дан турп илдизимеваси 0 +1 °С ҳароратга қўйилди. Наъмуналар хар ўн беш кунда қайта тарозидан ўтказиб турилди. Барча наъмуналардаги вазн январ ойининг иккинчи ўн кунлигигача ўзгармади. Январ ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб (30 январ) назорат 1 Андижон 9 ва назорат 2 Олтинкўл маҳаллийси навларида умумий вазндан камайганлиги кузатилди. Мурод навида вазн йўқотиш кузатилмади. Феврал ойининг иккинчи ярмидан бошлаб 1 мартга қадар назорат 1 Андижон 9 навида 10,5% ва назорат 2 Олтинкўл маҳаллийси навида 12,0% умумий вазн камайганлиги кузатилди. Мурод навида эса бу кўрсаткич 3,5% ни ташкил қилди. (1- жадвал)



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th July 2025

1-жадвал Турпнинг Мурод навини сақланувчанлик кўрсаткичлари, кг

Навлар	Сана						Жами йўқотилган вазн (%)
	15 декабр	30 декабр	15 январ	30 январ	15 феврал	1 март	
Андижон 9 (назорат 1)	20	20	20	19,2	18,6	17,9	10,5
Олтинкўл махаллийси (назорат 2)	20	20	20	19,4	18,7	17,6	12,0
Мурод	20	20	20	20	19,8	19,3	3,5

Шунингдек биологик қариш (ичи пўк бўлиш) ходисаси ҳам мос равишда феврал ойининг иккинчи ярмидан бошлаб назорат 1 Андижон 9 ва назорат 2 Олтинкўл махаллийси навларида 15-20% гача, Мурод навида 6% ни ташкил қилди. Феврал ойининг охириги ўн кунлигидан бошлаб назорат 1 Андижон 9 навида 25% гача, назорат 2 Олтинкўл махаллийси навида 29% гача, Мурод навида эса 11% биологик қариш кузатилди (2- жадвал).

2-жадвал Мурод навини биологик қариш кўрсаткичлари, %

Навлар	Сана		
	1 декабр-30 январ	15 феврал	1 март
Андижон 9 (назорат 1)	0	15	25
Олтинкўл махаллийси (назорат 2)	0	20	29
Мурод	0	6	11

Тажрибалардан олинган натижаларга асосланиб, турп илдизмеваси сақланганда вазн йўқотиши биологик қаришига тўғри корреляцион боғлиқ эканлиги кузатилди. Турп илдиз меваси вазн йўқотишига сабаб, вегетация давридаги нотўғри агротехник тадбирлар, сув билан боғлиқ стресслар, касалликлар таъсирида, шунингдек биологик қариши натижасида хужайра ўлиб, хужайра таркибидаги крахмал парчаланиб, сув чиқиб кетади ҳамда Лигнин моддаси ажралиб чиқади ва хужайра крахмалини парчаланишига



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th July 2025

сабаб бўлади. Шу жараён давом этиб, илдизмава ичидаги сув чиқиб кетиши натижасида ичи пўк бўлиб қолади. Мурод навида ушбу жараён секин ривожланиши оқибатида махсулот ичи пўк бўлиб қолиши бошқа навларга нисбатан кам кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зуев В.И., Абдуллаев А.Г. “Сабзавот экинлари ва уларни етиштириш технологияси”. Т., Ўзбекистон, 1997. 342 б.
2. Остонакулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ.,... “Сабзавотчилик” Тошкент, 2009.-380 б.
3. Шаумаров Х.Б., Исламов С.Я. “Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси” Тошкент, 2011.-24 б.

Интернет сайтлари

1. <https://kun.uz/kr/news/2023/09/19/qanday-qilib-sabzavotlarni-uzoq-vaqt-barraholatda-saqlash-mumkin>.
2. <https://agro-olam.uz/07-08-2020/>.